



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfséries.com

20th July 2025

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ: РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИНING АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ, Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б.

Примкулова Зарина Фурқат қизи

Жиззах политехника институти талабаси

Аннотация

Мақолада «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича мақсад ва вазифалари ёритилган. «Яшил» иқтисодиётни амалга ошириш бўйича мавжуд хавфларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган. «Яшил» иқтисодиётни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар келтирилган.

Калит сўзлар: «яшил» иқтисодиёт, ресурс, минимал зарар, товар, хизмат, концепция, барқарор ривожланиш, «яшил» инфратузилма.

GREEN ECONOMY: THE NEED AND PROSPECTS FOR DEVELOPMENT AND AS A KEY FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF OUR COUNTRY

Annotation

The article highlights the trends in the development of the “green” economy, its goals and objectives to increase its competitiveness due to the modernization and diversification of the leading sectors of the economy. Proposals have been put forward to eliminate existing risks in the implementation of a “green” economy. Special attention is paid to the formation of a “green” economy, and measures are presented to stimulate the development of the industry.



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

Keywords: “Green” Economy, Resource, minimum loss, goods, service, concept, sustainable development, “green” infrastructure.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўн битта халқаро конвенция, битим ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Жумладан, Париж битимини ратификация қилган томон сифатида 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан 10 фоиз қисқартириш бўйича мажбурият олган. Шундан келиб чиқиб, давлат дастурининг тегишли бандига мувофиқ, Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегияси ишлаб чиқилди. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. Шу боис мен соҳадаги ислохотларни бошлаб берган 2019 йилги Стратегияни ўз вақтида қабул қилинган жуда тўғри қарор, деб ҳисоблайман. Ҳукумат пандемиядан олдинги макроиқтисодий кўрсаткичларни тиклаш ҳамда келгуси йилларда янада юқори ўсиш суръатларига эришишни мақсад қилган. Ўз навбатида, мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда, турган гапки, энергетика ресурсларига бўлган талаб ҳам ортади. “Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори. Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжимиздан уч карра кўп. Боз устига, “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради. Бу иқтисодиёт учун мислсиз фойдадир. Ўзбекистонда 2019-2030 йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси қатор вазифаларни ўз ичига олади. Жумладан, энергия самарадорлиги кўрсаткичини икки карра ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг йигирма беш фоизидан кўпроғига етказиш, аҳоли



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергия билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш мўлжалланган. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва ривожлантириш назарда тутилган бўлиб, умумий энергия ишлаб чиқариш салмоғида ушбу экологик тоза энергия улушини 12 фоизга етказиш белгиланган.

Шунингдек, “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойилларини жорий этиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга ҳамда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизгача оширишга эришиш мўлжалланган.

Яшил иқтисодиётнинг яна бир тамойилларидан бир энергия соҳасига инвестиция киритишнинг манбаларидан бири коммунал хизматлар кўрсатувчи компаниялар сармояларининг мазкур тармоққа йўналтирилиши ҳисобланади. Бугунги кунда коммунал хизматлар кўрсатувчи кўпгина йирик компаниялар анъанавий энергия манбалари билан бир қаторда қайта тикланадиган энергия манбаларидан ҳам фойдаланишмоқда. 2015 йилда Европанинг йирик компаниялари – Enel, Iberdrola ва Dong Energy жами 11,5 миллиард долларга тенг инвестицияларни қайта тикланадиган энергияга тегишли лойиҳаларга йўналтириган.

Бугунги кунга келиб қайта тикланадиган инвестиция манбаларига йўналтирилаётган янги инвестициялар жами инвестицияларнинг 30 фоизга яқинини ташкил этмоқда. Янги инвестицияларнинг амалга оширилган лойиҳалардан фарқи шундаки, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари. аввалги йилларда қабул қилинган инвестицион дастурга кўра жалб



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th July 2025

қилинаётган инвестициялар амалга оширилаётган лойиҳалар таркибига киради ва янги ҳисобланмайди. Янги инвестициялар икки йўналишда жалб қилинади: технологияларни ривожлантиришга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган соҳалардаги устувор йўналишларни амалга ошириш учун қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришда энергия сарфини қисқартириш, маҳаллий илмий-техник ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини мувофиқлаштириш ва илғор халқаро энергия тежовчи технологияларни тадқиқ этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхатига кўра, 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, унда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбир кўзда тутилган. Ушбу ишларни молиялаштириш учун 2017- 2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2019-yil 4-oktabrdagi “2019 - 2030-yillar davrida O‘zbekiston Respublikasining “Yashil” Iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4477-son qarori
2. Ochildiyeva N. //Yashil iqtisodiyot va ahamiyati//Journal of new century innovations// Volume - 37 Issue-1 September 2023
3. Рустамова, Д. (2023). Яшил иқтисодиётнинг ўзбекистондаги истиқболлари. Interpretation and Researches



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfséries.com

20th July 2025

4. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1093-1096.
5. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1088-1092.
6. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2(20), 200-203.
7. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(5), 77-83.
8. Gaybullayevna, R. S. (2023). WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF INCREASE IN OUR COUNTRY'S ECONOMIC WELFARE AND SOCIAL DEVELOPMENT. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(5), 73-76.